

Умидвор бўлинган ҳадяда барака йўқ



07:00 / 07.01.2019 3618

Ҳадисларда бир киши кимдандир ҳадя умид қилса, унга мунтазир бўлса, ундай ҳадяда барака бўлмаслиги айтилган. Шунингдек, агар Аллоҳ таоло бирор бандасининг қалбига муҳаббат солиб ҳадя берса, оловчи ундан кутмаган бўлса, бундай ҳадяда барака бўлиши ҳам айтилган.

Бир улуғ зотнинг воқеаси

Аллоҳнинг дўстларидан бўлган бир дарвеш бўлган экан. Одатда Аллоҳ таоло Ўзининг дўстларини қаттиқ имтиҳон қилади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам **«Имтиҳоннинг энг қаттиғи пайғамбарларга, сўнг уларга яқинларга бўлади»** деганлар. Бу дарвешга ҳам Аллоҳ таолонинг имтиҳони бўлиб, йўқчилик бошига тушибди. Ваъз қилиш мобайнида ҳоли ночор, овози паст эканини кўрган шогирдларидан бири ҳолатни тушуниб, мажлисдан туриб кетибди. Мажлис тугагач, ҳалиги шогирди қўлида таом кўтариб келибди. Дарвеш таомни кўриб бир оз ўйланиб қолибди ва «Қайтариб олиб кетавер, қабул қилмайман», дебди. Мурид шайх комил инсон, қабул қилмаслиги беҳикмат эмас, такаллуф ҳам эмас, деб ўйлаб таомни қайтариб олиб кетибди. Бир оз муддат ўтгач яна қайтариб олиб келибди ва бу сафар шайх таомни қабул қилиб, тановул қилибди.

Шунда шайх шогирди ҳайрон бўлиб турганини сезиб «Сен ҳолимни кўриб, туриб кетганигда нега турганигни билдим ва таом келтиришингга умидвор бўлдим. Таомни келтирганигда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Умидвор бўлинган ҳадяда барака йўқ», деган ҳадисларини ўйлаб уни рад қилдим. Сен қайтиб кетгач ўша умидим узилди. Кейинги олиб келганигда ўша умид бўлмаганлиги учун уни қабул қилдим. Агар тама, умидворлик, риёлардан бири бўлса, ҳадянинг баракасини ўчиради», деган экан.

«Зикр аҳлидан сўранг» китобидан